

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ БОҚИЙДИР!



ADOLAT

Inson manfaatlar — oliy qadriyat

№ 21-22
(725)
2009 йил
8 май,
жума

Ўзбекистон
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган



Бош муҳаррир минбари УЙҒОҚ ВА АЗАЛИЙ ФАЗИЛАТ

Ун бир йилки, Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонида буюрилган мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Эсингизда бўлса, айни 1999 йил 9 май куни ушбу таътилга бағишланган маросимнинг очилиш чоғида давлатимиз раҳбари ушбу қутлуғ сана-нинг номлаштириш, мазмунини ва маънавиятини тушуништириб бериб, шундай деган эди:

“... Бугун ўлкамизда илк бор Хотира ва Қадрлаш куни нишон-ланамоқда...

Биз нима учун 9 май байрами-ни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилдик...

Хотира деганда биз бу фойли дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг қирғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу ҳақимизга хос аза-лий фазилатдир...

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она дёримизни, ҳақ-қий-матимизни озоқлик ва истиклолни, эркин ва фаровон ҳаётини мар-лаш ва ишжода билан ҳимоя қи-лган фидойи ватандошларимизни

ёдга олоқ, уларга муносиб ҳур-мат ва эҳтиром кўрсатишдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовлари-ни, азоб-уқубатларини бошдан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам саф-ларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсон-ларини эъзозлашдир...”

Ҳа, Президентимиз таъкидла-ганидек, Хотира ва Қадрлаш ку-нини нишонлаш — ўтганлар ру-ҳини шод этиб, кексаларнинг ҳур-матини жойига қўйишдир. Шу би-лан бирга, ёшлар қалбида ота-бо-боларимиз, она-момаларимиз қа-дрларига етиш, уларни юксак вата-нпарварлик руҳида тарбиялаш ва қалбларидан ҳаққа муҳаббат, Ис-тиқлолга садоқат эзгу туйғуларини уйғотиш ҳам демакдир. Зеро, мана, ўн бир йилки, Хотира ва Қадрлаш ҳақимизга хос миллий ўзгичлик ва миллий урф-одатла-римиз билан ўзвий боғлиқ муқад-дас тушунича бўлгани учун ҳам мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ўрнини топган ҳалқона маросим бўлиб қолди. Бу кун, ишончим ко-

мил, ҳар бир киши, энг аввало, ўзини инсон сифатида англаб, ода-мийлик фазилатларини қадрлаш кераклиги ҳақида ўйлаб кўради. Масалан, сизни-ку билмадим, ме-нинг кўз олдимда бугун қатор мам-лакатларда талаба кўни кенг ни-шонланган ҳарбий парадлар ўтиши кўринаверади. Бироқ, истайсизми, йўқми, бундай таътилни парадлар барибир қандайдир маънода уруш нафасини эслаб туради.

Бизда эса, миллий ўзгичликми-дан келиб чиқиб, бу кун — аждодларимизни эслаш билан бирга, Иккинчи жаҳон уруши фариш-ларини рағбатлантириш, нурувий-ларини қадрлаш, уларга ҳурмат ва кенг жамоатчилик томонидан из-зат-иқром кўрсатиш, эъзозлаш, ғамхўрлик қилиш катта аълонага айланиб қолди.

Биласиз, Иккинчи жаҳон уру-ши жангоҳларига қўлдан кўрал би-лан 1,5 миллион ўзбекистонлик от-ланган. Ушанда республикамиз аҳолиси бор-йўри — 6,5 миллион-ни ташкил этиб, ярми эркаклар, воёта етмаган ўғил болалар ва ке-ксалар бўлган. Урушга кетганлар-

нинг салкам ярим миллиони олис-ларда, аниқроғи — Европа мамла-катларида жон берди...

Айни Хотира ва Қадрлаш куни уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириб, Қуръони Карим-дан тилловатлар ўқиш билан бирга, шаҳидлар ортида қолган милли-он-миллаон кишиларга эҳтиром кўрсатиш, ўтганларнинг қабрлари-ни зиёрат қилиш, қабристонларини тозалаш, ободонлаштириш ишла-ри ҳукуматимиз (шахсан Юртбо-шимизнинг!) ва ҳақимизнинг до-имий диққат-марказида бўлиб кел-моқда. Боя юқорида бу кун қатор мамлакатларда ҳарбий парадлар ўтказилаётгани ва улар аланечук уруш нафасини эслаб туришни-ни айтишдан интиямиз — вақти келиб, ўша давлатларда ҳам Ўзе-бекистондаги каби хотирлаш, қад-рлаш дегандек маросимлар пайдо бўлишига ишончимиз комил.

Айни кезде бу кун бир умр ҳур-рият ва озоқликка интилиб, жанг-ларда шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Наймиддин Кубро, Намоз ботир каби ҳалқ қаҳрамон-

ларини, Қодирий, Бехбудий, Му-наввар қори, Чўпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари ис-тиқлол йўлида жон фидо этган миллият фидойиларини мудом ёдга оламиз, хотирлаймиз.

Кўпчиликка, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жумладан, палата-даги “Адолат” СДП фракцияси аъзоларига маълумки, ҳануз хо-рижий давлатларда миллият фи-дойилари бўлган ана шу юзлаб ватандошларимиз тақдирларига оид кўплаб ашё ва архив ҳуж-жатлари сақланмоқда. Уларни юртимизга қайтариш борасида бир неча йиллардан буюн давлат-имиз раҳбари ташаббус билан тузилган махсус Комиссия ҳа-корангида Парламентимиз пала-таларида самарали ишлар олиб бориламоқда. Бу ҳам мамлакатим-изда инсонларни хотирлаш ва Қадрлаш йўлида амалга ошири-лаётган эзгу сазй-ҳаракатларим-из самараси, албатта.

Муносабат

БАҲРИ УММОНИМИЗ УМРИ

наҳот тугаб бормоқда?

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Оролни кутқариш Халқаро жағғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари билан Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган учра-шувида сўзлаган нутқини аввал ойнаи жаҳонда кўриб, тинглаб ва эртасига матбуот саҳифаларида ҳам диққат билан ўқиб чиққан, шундай бир хулосага келдим: Орол муаммоси тасодиф эмас, унинг “илдиз”лари бундан 50-60 йил муқаддам “ниш” урган. Она табиатнинг бу ноёб инъоми фожиаси минтақамиз аҳолиси учун келаж-дада фожиага айланишини собиқ компартия ва унинг тизгинидаги айрим “доно” олимлару мутахассислар бил-са-да, парво қилишмаган. Холбуки, 70-80 йилларда Оролнинг суви тобора пасайиб, ўрнини қумлиқлар бо-сиб келаятгани ҳақида катта-кичик матбуот нашрлари-да ҳарқалай мақолалар берилганди.

Бироқ, шўровийларга янги ерларни тезроқ ўзлашти-риб, пахта яккахокимлигини мустаҳкамлаш керак эди. Уларни минтақанинг мўътадил иқлим шароити ҳам қизиқ-тирмасди. Натижада, сувга эҳтиёж ошиб, ундан тежаб фойдаланиш ўрнига, баҳри уммон умрини “эговлаш”га, унга қўйилган зарқоқил азият дарёларимизни жи-ловлашга зўр беришди. Бунинг натижасида қора-қалпоқ халқи жуда яхши биламиз. Оролнинг қурий бош-лаши билан худудимизда экологик ҳолат ёмонлашгани-ни бошимиздан ўтказиб келаямиз, ахир. Баъзан, бе-ихтиёр жонинг ўртаниб, “Наҳот, баҳри уммонимиз умри тугаб бормоқда?” — деб хавотирга тушаркансан, киши.

Президентимиз Олмаота учрашувида куюниб айтга-нидек, сўнгги 50 йил давомида Орол сатҳи тўрт марта-дан ҳам кўпроққа қисқариб кетди. Теварак атрофини кум ва туз босди. Биохимия-хиллик қашшоқлашди. Одамлар айниқса, болалар, хотин-қизлар саломатли-ги хавф остида қолди. Фарзандлар генофондига жид-дий таъсир кўрсата бошлади.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЪЗОЛИ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Иккинчи жаҳон уруши келтирган барча азобу уқубат, қулфа-ту офатларни ҳамма яхши билади. Унинг қалбларда қолдирган битмас жароҳатини ҳеч ким унутолмайди. Шундай экан, сурон-ли жангларда шаҳид бўлган ва дўзах издиҳомидан соғ-омон қайтганлар бу кунлар қадрини қадрлаш ҳис қилиб яшайдилар.

Мен тўқсон ёшга қарайиб тураман. Юртимиз тинч, ҳал-қимиз хотиржам яшашмоқда. Невараларимнинг қамоллини кўриб, қувониб юрибман. Аслида мендек кўпни кўрган одамга ҳеч нарсаси керак эмас. Бирозгина эътибор кўнглимни осмон қадр кўтаради. Бироқ Хотира ва Қадрлаш куни мен учун алоҳида кун ҳисобланади. Шафқатсиз ажал қомиди қолган қурол-дош дўстларимни бот-бот эсга олам. Бугунги кундаги уруш ногиронларига қўрсатилаётган ғамхўрликларни кўриб, кўзим-да ёш қалқийди. Ахир, озуна жафо чекдикми?

Юртбошимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари-ни рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони билан, шунга яна бир бор амин бўлдимки, бизда муҳтарам инсон элони қадрлаш аъёнасида содиқ қолиш давом эттириляпти. Бу-нинг учун, аввало, Президентимизга, ҳукуматимизга, қола-верса, она ҳалқимга таъзим қиламан. Қадрланган жойда азиздир инсон, деб бекорга айтилмайди-да.

Файзулла НУРМАТОВ,
Оққўрғон тумани

(Давоми 3-бетда.)

Семинар-кенгаш

ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ПОҒОНАСИДА

Андижон вилояти партия Кенгашида “Ўзбекистон «Адолат» СДП: юксалишнинг янги поғонасида» мавзусида бўлиб ўтган семинар-кен-гашда ҳозирги кунда партия олдида турган долзарб ма-салалар муҳокама қилинди.

Анқумани вилояти партия Кенгашининг раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ма-мазоир Хўжабердиев ки-риш сўзи билан очди. Таъ-кидландики, андижонлик партия фаоллари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

Айниқса, бу жамиятни янги-лаш, давлат бошқарувини та-комиллаштиришда яққол на-моён бўлаяпти.

Семинар-кенгашда дав-латимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Жаҳон молия-вий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» асарининг ма-мун-моҳияти, унда белгилаб берилган устувор масалалар ҳақида атрофлича сўз юритил-ди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-тати Юсуфжон Нишонов Юртбо-

шимиз асарининг аҳамияти тўғрисида гапирар экан, ки-тобда жаҳон молиявий-иқти-содий инқирозининг мамлака-тимиз иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг салбий оқибат-ларини юмшатиш йўллари аниқ кўрсатиб берилганлиги-ни таъкидлади. “Шу маънода, — дея эътироф этди маъруза-чи, — Президентимиз асари ни-ҳоятда муҳим дастуриламал манба бўлиб хизмат қилади”.

Семинар-кенгашда Ўзе-бекистон “Адолат” СДПнинг 2009 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг асосий йўналиш-

лари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзе-бекистон “Адолат” социал-де-мократик партияси Сийёсий Кенгашининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутат-лигига номзодларни танлаш, ҳисобга олиш ва заҳира шак-ллантиришни ташкил этиш масалалари ҳам семинар иш-тирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Тадбир якунида кўриб чи-қилган масалалар юзасидан вилоятнинг барча ҳудудий партия ташкилотларида таш-килий-партиявий фаолиятни кучайтиришга қаратилган та-всияномалар ишлаб чиқилди.

Эминжон Йўлдошев,
“Адолат” мухбири.

ФАҲРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни. Бу кун бугунги тинч ва осуда ҳаёти-миз учун жонларини фидо айлаган юртининг мард ўғлонларини, Ватан рагнақи учун чинакам меҳнат қилган фидойи инсонларни юксак ҳурмат-эҳтиром ила ёдга оламиз, уларга че-ксиз меҳр-муҳаббат кўрсатамиз. Хал-қимизнинг энг севили байрамлари-дан бирига айланиб улғурган Хотира ва Қадрлаш кунда Ўзбекистон “Адо-лат” социал-демократик партияси, унинг жойлардаги бўғинлари томони-дан фахрийларга меҳр-саховат, қадр-ҳиммат кўрсатиш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ЖАЛОИРДА ДАВРА СУҲБАТИ

Кенгаш раиси, тадбиркор Сайдах-мад Тожибоевнинг ташаббуси ва партия фаоллари кўмаги билан 130 хўжалиқдан ташкил топган “Жало-ир” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳуду-дида маҳалла гузарни қуриб фойда-ланишга топширилди.



ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН ОТАХОМ

Хотира ва Қадрлаш кунини қиш-лоқдошлари, она аъзолари давра-сида қаршилаётган отахон Қарши шаҳридаги хотира майдонига ҳар-гал ташриф буюрганида жангда ҳалок бўлган қуролдош дўстлари-ни кўзда ёш билан эслайд.



ЕШЛАРИМИЗ КАМОЛИ БИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

— Менинг ҳайтимда маъзур ўқув муассасасининг ўрни бекиёс, — дей-ди Зийда Акбаралиева. — Талаб-чан ва аини пайтда меҳрибон ўқитувчиларимиздан сабоқ олиб, орзуимга етишдим.



★ Фаолият

ЖАЛОИРДА ДАВРА СУХБАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳамда Тошкент вилояти партия Кенгаши ташаббуси билан Оққўрғон туманидаги "Жалоир" қишлоқ фуқаролар йиғинида Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Ўртбошимиз асари ва Инқирозга қарши чоралар дастурида нафақат мамлакат иқтисодиётини жаҳон инқирозининг салбий оқибатларидан сақлаш, балки ижтимоий масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг асарида иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари аниқ кўрсатиб берилгани ютуқларимизни таъминлашда мустақкам асос бўлиб хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Партия Сийёси Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров. — Асарда илгари сурилган ғоялар, белгилаб берилган устувор вазифаларни илчиллик билан амалга ошириш жараёнида ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш юзасидан ташаббускорлик кўрсатиш бугунги кунда олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Нотик, шунингдек, Президентимизнинг мазкур асарида жаҳон молиявий-иқтисо-

дий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрафли таҳлил қилинганлиги, аниқ амалий тавсиялар берилганлиги ҳусусида ҳам сўз юритди.

Оққўрғон — пойтахт вилоятининг йиллик туманларидан бири. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг 40 минг нафардан зиёди ишга лаёқатли. Туманда аҳолини иш билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Дарвоқе, яқинда туман партия Кенгаши савобли ишга қўл урди. Кенгаш раиси, тадбиркор Сайдахмад Тожиевнинг ташаббуси ва савий-харақати, шунингдек, партия фаоллари кўмаги билан 130 хўжаликдан ташкил топган "Жалоир" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда маҳалла гузарига қуриб фойдаланишга топширилди. Гузардан озиқ-овқат дўкони, дорихона, пойабзал таъмирлаш устанаси, сартарошхона, компьютер ва алоқа хизмати



Суратларда тадбирдан лавҳалар. Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.



шоҳобчалари ўрин олди. Бу эса қишлоқда янги иш ўринлари барпо этиш билан бирга аҳоли учун катта қулайлик яратди.

Тадбирда сўз олган маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, меҳнат фахрийлари Ўртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатдан мамнун эканликларини, бунга жавобан юрт раънақи учун астойдил меҳнат қилаётганликлари эътироф этди.

Қизгин савол-жавобларга бой бўлган давра суҳбати сўнггида бир гуруҳ маҳалла фуқаролари партия аъзоллигига қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ, "Адолат" мухбири.

Урганч шаҳар Иқтисодий кесб-хунар коллежида Хоразм вилояти партия Кенгаши ташаббуси билан Президентимиз Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларга бағишланган тадбир ўтказилди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят партия Кенгаши раиси Нурмат Эшметов олиб борган йиғилишда иқтисод фанлари доктори, профессор Бахтиёр Рўзметов маърузаси тингланди. Маърузада Президент асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш йўллари аниқ кўрсатиб берилганлигини таъкидланган ҳолда, 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган энг муҳим устувор йўналишлар тўғрисида батафсил сўз борди.

М.САПАЕВА, "Адолат" мухбири.

БАҲРИ УММОНИМИЗ УМРИ

наҳот тугаб бормоқда?

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Тўғри, мустақиллик йиллари ҳукуматимиз, шахсан Ўртбошимиз ғамхўрлиги билан имкон даражасида Орол бўйи ҳудудига қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Эсимда, Ислам Каримов Давлатимиз раҳбарлигига келгач, ўзининг илк сафарларидан бирини Орол бўйи ҳудудига қилиб, одамлар дардини эшитиб уларга далда бериб кетувди. Шундан сўнг ҳар гал нуфузли халқаро ташкилотлар ва ҳатто БМТ минбарларидан туриб ҳам муаммога бутун жаҳон жамоатчилиги эътиборини қайта-қайта қаратди. БМТ минбаридан айтган (1993 йил, 28 сентябрь кун): "Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келяпти. Энг аввало, бу гап Орол денгизи фожияси тааллуқли" — деган сўзлари ҳали-ҳали қулоқларим остида жаранглаб турибди.

Эътибор қилган бўлсангиз, Олмаотадаги нутқида мазкур муаммо илдири таърифини жуда топиб айтди: "Сув ресурсларининг, жумладан ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг камайиб кетиши, атмосферанинг ифлосланиши туфайли иқлим ўзгаришлари, эҳтимол шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши — булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келадиган салбий оқибатларнинг кичик бир рўйхати, ҳолос".

Чиндан ҳам, сув (хусусан, бизнинг шароитда) айниқса, ичимлик сув сифати пастигли, таркибда шўрлик даражаси ошиб бориши, экин майдонларининг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг ғариблашуви... Ҳаммаси Помир, Тянь-Шань тоғларидаги асрий музликларнинг борган сари кичрайиб бориши билан боғлиқ, албатта.

Хуллас, Орол муаммоси, Ўртбошимиз деганларидек бугун фақат минтақавий муаммо эмас, балки унинг салбий таъсири эндиликда узок-узок ҳудудларга ҳам соя ташлаб улгурди.

Боз устига, Марказий Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг жанубий ҳудудлари учун азал-азалдан ҳаёт манбаи бўлиб келган Амурда ҳамда Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган қўшни давлатлар шундай шароитда янги сув омборлари, гидроэлектрстанциялар қуришни режалаштираётганликлари таассуфли ҳол. Аслида кўпчилик (қолаверса, жаҳон ҳамжамияти ҳам!) билиб турибди, бу режалар замирида — Ўртбошимиз таърифлаганидек, бошқа (учинчи бир) давлатларнинг ҳам муайян стратегик мақсадлари бор, албатта.

Хуллас, демократимиз, қадим Мовароуннахр — икки дарё оралиғидаги жаннатимон минтақамизнинг табияти сақланиши, иқлими, муътадиллашуви, экин майдонларининг соғлиғи ва гуллаб-яшнаши учун ён қўшнилар-жон қўшнилар муаммолар ечимида ўз миллий манфаатларини уйғунлаштиришлари, масаллага шарқона ҳамжиҳатлик билан ёндашувлари керак. Президентимиз тўла қўллаб-қувватлаган Туркменистон позицияси — "биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувоzanатига эришишни даркор"лигига эришмоғимиз шарт.

Яна бир гап: Президентимиз Олмаота учрашувидаги ўз нутқида Оролни асраш борасида қатор умумҳамятияга эга амалий тақлифларни ўртага ташлади. Жумладан, денгизнинг қуриган қисмларида янгидан кичик сув ҳавзалари қуриш чанг ва туз бўронларини камайтириш мақсадида сув дельталарига мунтазам оқим етиб боришини таъминлаш, биохилма-хиллик ва экотизимни тиклаш, имкон қадар уни бойитиш, ўрмонзорлар барпо этиб, қум кўчишини тўхтатиш, пировардда, одамлар соғлиғи ва фарзандлар генотипини асраш учун Орол бўйида аҳолига коммунал ҳамда тиббий хизмат даражасини яхшилаш сингари инсонпарварлик вазифаларини ҳам баён қилди.

Жуда одилона, оқилона ва ҳолисона тақлифлар улар. Озод МАТЕҚУЛОВ, Хоразм вилояти, Гулстан туманидаги "Гулстан" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Яқинда Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда Тошкент шаҳар партия Кенгаши вакиллари пойтахтимизда истиқомат қилаётган бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олишди.

Партия фаоллари даставвал Яқсарой туманида истиқомат қилаётган уруш фахрийси Сирожиддин ота Орипов хонадонига бўлишди. Бундай эъзоз ва эҳтиромдан кўнгли тоғдек кўтарилган пире бадавлат отахон қувончини яшира олмади.

— Урушнинг дахшатли кунларида бугунгидек тинч-осуда кунларни орозу қилардик, — деди Сирожиддин ота ҳаяжон ила. — Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, биз бугун ўша вақтларда орозу қилганимиздан-да зиёда хур юрта иззат-иқромда яшаймиз. Шу ўринда бир нарсани айтмасам бўлмас: мен мустақиллик йилларида муборак Ҳаж сафарига бориб келдим.

Ваҳоланки, шўролар даврида бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам қўрқарди киши. Буларнинг бари — Истиклол шарофати!

Бундай самимий дил сўзларидан руҳланган партиядошлар яна бир неча хонадонларда бўлишди. Жумладан, 86 ёшли уруш қатнашчиси Шер Дусти-хаммедов, 90 ёшли меҳнат фахрийси Леонид Залоген, 82 ёшли Виктор Борисников, биринчи гуруҳ ногирони, уруш қатнашчиси 89 ёшли Исомиддин Эрбутаев ва 83 ёшли нуроний Василлий Фаниевларга Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг совға-саломлари топширилди. Бундай эътибордан таъсирланган фахрийларимиз ҳам ўз навбатида, миннатдор дил сўзларини изҳор этишди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирлардан қўзланган асосий мақсад — фидойи отахон онахонларимизни қадрлаш, эъзозлаш ҳамда Ватан озодлиги учун жонини фидо айлаган азиз кишиларни хотирлашдан иборатдир. Зотан, инсон қадри — азиз, хотираси — муқаддасдир.

Б.ЕҚУБОВ, "Адолат" мухбири.

"ЁШ АДОЛАТЧИЛАР" САФИ КЕНГАЙДИ

Зарбдор туманидаги 3-умумтаълим мактабида Жиззах вилояти партия Кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах Минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда "Камолот" ЕИХ вилоят Кенгаши ҳамкорлиқда "Сайловга доир қонунлар тарғиботи ва ижро механизми" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман халқ таълими бўлими ходимлари ҳамда партия фаоллари қатнашди.

— Сафимизни эл орасида хурмат қозонган, ташаббускор, масъулиятли аъзолар билан кенгайтиришни мақсад қилганмиз, — деди туман партия Кенгаши раиси Олимжон Очлов. — Бу борада эър қатъият билан иш олиб бораёلمиз. Шу билан бир қатори сафига ёшларни жалб қилиш борасида қилинган қатор амалий ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Буларнинг бари жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ

депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловларида муваффақиятли қатнашшини таъминлашга қаратилган.

Давра суҳбатида сиёсий жараёнларда фуқаролар иштирокини, фаоллигини янада кенгайтиришга хизмат қилувчи тадбирлар қўламини ва савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидланди.

Тадбир сўнггида партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик билетлари топширилди.

М.САПАЕВА, "Адолат" мухбири.

ФЕРМЕРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Жиззах вилояти партия Кенгаши томонидан ташкил қилинган тадбирда партия фаоллари, Ғаллаорол туманида фаолият юритаётган бир гуруҳ қишлоқ мулкдорлари — фермерлар билан учрашди. Учрашувда "Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг устувор йўналишлари қизгин муҳокама қилинди.

— Вилоятда қишлоқ хўжа-

лиги махсулотларини етиштиришда фермерларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти, — деди вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Тўйчиев. — Эътиборлиси шундаки, улар орасида партиядошларимиз кўпчилигини ташкил этади. Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йилида режалаштирилган тадбирларимиз самардорлигини таъминлашда фермерлар билан янада яқин-

роқ ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим. Бинобарин, олдимизда турган асосий вазифа — қишлоқ фуқароларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳақдорлик ҳиссини уйғотиш ва шу орқали аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини кўтартиш, фаоллигини оширишдан иборат.

Мухаммад ИСМОИЛОВ, "Адолат" мухбири.

БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, эркин бозор иқтисодиёти қонунчилигига асосланган демократик жамият барпо этиш йўлини танлади. Мустақиллик йилларида дунёнинг қўллаб-даватлари билан ҳар томонлама ва кенг қамровли ҳамкорликда иш олиб борилиб, иқтисодиётнинг ислоҳ қилишда кўзга қўйнарли натижаларга эришилди. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида ислохотларни амалга оширишда ҳар бир давлатда банк тизимининг аҳамияти беқиёс.

Жорий йилнинг 8 апрели кун "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун матбуотда эълон қилиниб, қуча кирди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"га ва 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори қорхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари талабларидан келиб чиқиб тайёрланган. Ушбу Фармонларни қабул қилишдан асосий

мақсад эса банклар капиталлашуви ошириш, қорхоналарнинг иқтисодий аҳолини таъминлаш ва улардаги ишлаб чиқаришни модернизация қилишдан иборат. Маълумки, "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Қарздорнинг мол-мулкни сотиш" деб номланган 135-моддасига мувофиқ, қарздорнинг мол-мулкни инвентаризация қилингандан баҳо-лангандан кейин тугатиш бошқарувчиси ушбу мол-мулкни очик қиммоди савдосида сотишга қаршилади. Бунда банкрот бўлган қарздорнинг мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатлари кредитдорлар йиғилиши ёки кредитдорлар қўмитаси томонидан маъқуланлиши керак. Шундай қилиб, мазкур мол-мулкни сотиш шартларини тасдиқлаш кре-

диторлар йиғилиши ёки кредитдорлар қўмитасининг ваколатларига қиради. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиётнинг реал сектори қорхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида иқтисодий ночор қорхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясини тузиш назарда тутилган. Комиссия ваколатларига банкрот қорхоналарни тижорат банкларига сотиш шартларини ҳамда аукцион ва танлов асосида ўтказиладиган савдо-ларнинг натижаларини тасдиқлаш ҳам қиради. Шу муносабат билан мазкур Қонун асосида "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 135-моддасида юқорида зикр этилган Республика комиссиясининг тегишли ваколатлари мустақамлаб қўйилди.

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва сугурта фаолияти билан шугулланишга ҳақиқат эмаслиги ҳақидаги нормани ўз ичига олган "Банк операциялари" деб номлан-

ган 4-моддаси банкларга банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш қорхоналарини молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техника ва технологиялар жиҳатидан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлаш, ташқи ва ички бозорда рақобатбардор махсулот ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун бундай қорхоналарни сотиб олишга ва кейинчалик стратегик инвесторларга бозор баҳосида сотишга имкон берадиган норма билан тўлдирилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу тизимнинг мустақиллик шароитида шаклланиши ва ривожли республикада миллий валюта тизимини йўлга қўйиш ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси "сўм" муомалага киририлиб, икки поғонали банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилишдан бошланган дейиш мумкин. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида"ги ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг назорат-

га оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини Жаҳон банкининг банк фаолияти назорати таъминлиги асосида тўлиқ қайта ишлаб чиқилганлиги республика банк тизимининг жаҳон интеграциясига тўлиқ қишлоқчилликдан дарах беради. Бундан ташқари, ушбу тизимдаги ислохотларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги "Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга, дейиш мумкин. Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Президентини томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар юқоридаги Қонуннинг мазмунини ўзида акс эттиради. Ушбу қаторда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш асосий кредит марказларидан бири бўлган "Микрокредитбанк"нинг низом жамғармасини қўлайтиришга оид Фармони қабул қилинганлиги кўрсатиб ўтиш жоиз. Ушбу Фармоннинг ижроси мамлакатимиз банкларининг жами капиталли, қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобидан, 2007 йил билан таққослаганда 40 фо-

изга қўпайишини ва прогноз асосида ушбу кўрсаткичнинг 2010 йилгача бўлган даврда икки баробар ошишини таъминлашга кўзда тутилган. Шу маънода, давлатимиз раҳбари республикадаги банк тизими капиталлигини етарлилик даражасида Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканлигини таъкидлаган эди. Шунингдек, ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,5 миллиард АКШ долларидан ортиқлиги, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича мамлакатимизда дарах беришини ҳам таъкидлаб ўтган эди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун нормаларига ўхшаш нормаларни ҳорижий давлатлар қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Айтайлик, Россия Федерациясининг 1997 йилдаги

аъзолиги тўғрисидаги Қонунида Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқлилик асосида жаҳон ҳамжамияти таркибига кириши зарур эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига қиришининг, бу ташкилотларга аъзо бўлиш ҳамда уларнинг имкониятларидан республикани ривожлантириш учун фойдаланиш ҳақидаги норма акс этган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонуннинг амалиётга таътиб этилиши мамлакатимизда банкларнинг янада капиталлашуви, давлат ишлаб чиқарувчилари томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу қорхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ютуқларга эришиш имконини беради.

Алшар ҲАҲРАТҚУЛОВ, Узбек АЛОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Амадаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини таъкидлаш ҳамда хизмлари.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП БУЛУНҒУР ТУМАНИ КЕНГАШИ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан

барча юртдошларимизга

эзгу тилаklarини изҳор этади.

Ўз ҳаётини Ватан озодлиги,

бахт-саодати учун қурбон қилган

ота-боболаримиз хотираси

қалбимизда мангу яшайди.

Юртимиз тинч, ҳаётимиз ҳамиша фаровон бўлсин!

1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ПЕДАГОГЛАРИ ҲАМДА ТАЛАБАЛАРИ

юртимиз озодлиги йўлида ўз жонини фидо қилган юртдошларимизни хотирлаб, айни пайтда Ватанимиз тараққиёти ва тинчлигини мустаҳкамлашга бор куч ва

билимларини сарфлаётган, эл эъзозидagi пиру бадавлат отахону онахонларга, барча юртдошларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

Жонажон юртимизга кўз тегмасин!



«НАВБАҲОР ПАХТА ТОЗАЛАШ» МЧЖ ЖАМОАСИ


*олам аро кундан-кунга чирой очаётган мустақил юртимиз
аҳлини 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан
самимий муборакбод этади.*

*Ватан ҳимояси, эл тинчлиги йўлида жон берган
инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди!*

Кексалик
гаштини
сураётган
азиз фахрийлар
қалбимиз кўри,
гастурхонларимиз
тўри
сизлар учун!

Байрамингиз билан, азиз юртдошлар!

Самарқанд шаҳридаги «AZIYA CAPITAL BUSINESS» МЧЖ жамоаси



*Ватан тинчлиги, миллат саодати йўлида
мардлик, шижоат ва жасорат кўрсатган
фидойи ватандошларимизга
миннатдорчилик билдиради.*

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.



«КАФОЛАТ»

Давлат акциядорлик сугурта
компанияси

Самарқанд вилояти
филиали жамоаси

9 май – Хотира ва
Қадрлаш куни
муносабати
билан барча
юртдошларимизга
тинчлик ва
осойишталик
тилайди.





ЁШЛАРИМИЗ КАМОЛИ БИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

— дейди Асака педагогика коллежи директори Махмуджон КАМОЛДИНОВ

Асакада бўлганмисиз? Унинг меҳри дарё одамлари билан дилдан суҳбат курганмисиз?

Шубҳасиз, шундай пайтларда асакаликларнинг ўз фарзандлари толедан мамнунлиги сизни бефарқ қолдирмаган. Ахир, ўғил-қизларнинг камолини кўришни ким ҳам истамайди, дейсиз? Айниқса, ота-оналар қувончининг чеки йўқ. Негаки, уларнинг кўпчилиги яхши билади: ўз фарзандларининг камолоти учун бугун шарҳда етарли шароит яратилган. Ёшлар ўзлари ёқтирган соҳалари бўйи-

ча ўнга яқин касб-хунар коллежларида тахсил олишмоқда. Эртанги кунимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишмоқдалар. Эл-юртга сидқидилдан меҳнат қилишдек олий туйғу уларни касб-хунар сирларини пухта эгаллашларига, яхши мутахассис бўлиб етишишларига йўл очмоқда. Кўпчилик ота-оналарнинг хайратини оширган, уларнинг эзгу ниятларига етказган илм масканлари орасида Асака педагогика коллежининг алоҳида ўрни бор. Бу намунали ўқув даргоҳини ҳозиргача битирган минглаб мутахассислар Андижон вилоя-

ти ва Фарғона водийсининг қатор туманларида халқ таълимининг ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

— Менинг ҳаётимда мазкур ўқув муассасасининг ўрни бекиёс, — дейди Зиёда Акбаралиева. — Талабчан ва аини пайтда меҳрибон ўқитувчиларимиздан сабоқ олиб, орзуимга етишдим. Зулфия номидаги давлат муқофоти билан тақдирландим. Мамлакатимизнинг нуфузли ўқув юрти — Ўзбекистон Миллий университетиди миллий хунармандчилик йўналиши бўйича ўқиб, тахсил олдим. Ўтган йили уни-

битириб ўзим меҳр боғлаган Асака педагогика коллежига ишга келдим. Азиз устозларим, меҳрибон мураббийларим сафида ёш авлодга билим бериб, касбим сирларини ўргатаётганимдан бахтиёрман.

Соҳага кўп йиллик меҳнати сингган, мазкур ўқув даргоҳига 1994 йилдан буюн раҳбарлик қилиб келаётган тажрибали педагог Махмуджон ака Камолдинов билан коллежни айланамиз. Кенг ва шинам хоналарда ўқитувчилар ўқувчиларга кўн билан дарс ўтишмоқда. Ўқув даргоҳидаги 61 та хонанинг



— Ўқувчи ёшларимизнинг бугунги камоли бизни қувонтиради, — дейди коллеж директори, доцент, касб-хунар таълими аълочиси Махмуджон ака Камолдинов. — Яхши ўқиб, малакали касб эгаси бўлишга бел боғлаган бу ўғил-қизларга жамоамизнинг 200 нафарга яқин ўқитувчи ва мураббийи 10 та йўналиш бўйича таълим-тарбия бermoқда. Бу устоз-мураббийларнинг 6 нафари фан номзоди, доцент, 30 нафари халқ таълими аълочиларидир. Ўзларининг кўп йиллик самарали меҳнатлари учун ўқитувчиларимиздан Махмуджон Баратов "Шухрат" медали,

ҳаммаси замонавий жиҳозлар билан таъминланган. 6 та лингафон, 2 та компьютер, 2 та тикувчилик хоналари, биология, физика ва кимё лабораториялари хоналари ёшлар хизматида. Бундан ташқари, спорт зали, тренажёр хонаси, теннис корти, волейбол ва баскетбол майдончалари коллеж ўқувчиларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маҳоратларини бойитишга, уларни жисмонан соғлом, баркамол инсонлар бўлиб етишишларига йўл очмоқда. 400 ўринли талабалар уйи, қироатхона, тиббиёт хонаси, кўрғазма залидаги қўлай шароитларни

кўрганамизда беихтиёр болалikka қайтгимиз, ҳозирги ёшлар билан бирга сабоқ олгимиз, ҳамнафас бўлгимиз келди. Мустақилликдек олий неъмат берган улкан имкониятларга шўқроналар айтдик. Элимизга, Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ортди.

Бугун коллежда 3 минг нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Улар мактабгача ва оилавий таълим, бошланғич таълим, тарбиявий спорт ишларини ташкил этиш, молия, ҳуқуқшунослик, мултимедиа тизимлари ва компьютер графикаси, тиббий-ижтимоий ёрдам, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий

ишлар, дастгоҳлик, ранг-тасвир йўналишлари бўйича касб-хунар сирларини кўн билан ўрганишяпти.

Коллеж жамоаси Президентимизнинг Фармон ва қарорларини ҳаётга ижро қилиш, ўқувчиларда миллий иштиқол ғоясини шакллантириш борасида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқда. Миллий қадриятларимизни, тарихимизни, аломатларимизнинг ҳаёт сабоқларини ўрганиб, уларни ёшлар онгига чуқур сингдирмоқда. Бу ерда ўқитишнинг инновацион технологияларидан унумли фойдаланилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган инновацион педагогик технологиялар хонаси кўпчилик ўқувчи-ёшларнинг сеvimли жойига айланган. Унга ўрнатилган замонавий техникалар таълим самардорлигини оширишга ёрдам бermoқда. Шу билан биргаликда устоз-мураббийлар соҳани ривожлантириш учун изланишлар олиб боришяпти. Жумладан, М.Камолдинов, Б.Холматов, Б.Зокирова, Б.Вохобжоновлар яратган ўнга яқин ўқув қўлланмалари ва янги адабиётлардан тизимда кенг фойдаланилмоқда.

Коллеж директори ўринбосари, II даражали "Соғлом авлод учун" орде-

ни нишондори, халқ таълими аълочиси Фотиما опа Ураимова ўзининг 23 йиллик иш фаолиятида жамоада катта обрў-эътибор орттирди. Эл эъзозига мушарраф бўлди. Устоз мураббийлар сафидан жой олди. Фотима опа доимо ёшларни пухта билим олишга чақиради. Уларни элимиз учун муносиб фарзандлар бўлиб етишишга ундайди. Зеро, элни севгани эл улуғлайди. Бунини жамоада меҳнат қилиб, ёшларга сидқидилдан тарбия бераётган барча устоз-мураббийлар дилдан ҳис этишди. Ўқувчилар камолини кўриб, ўз меҳнатлари зое кетмаганидан қувонишди. Бу бежиз эмас. Юртбошимиз эътироф этганларидек, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Бу қўтлуг ишга муносиб ҳисса қўшаётган коллеж жамоасининг ютуқлари тобора ортиб бermoқда. Меҳрибон устозлар қўлида ёшлар эркин камолга етишмоқда.

Рустам АХМАДЛИНОВ, "Adolat" мухбири. Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.



Мустақил ҳаётга қадам қўйган кишининг қўлида ҳунари бўлса, яратган унинг ризқини бутун қилиб, умрининг охиригача ишига барокат ёғдираркан. Қиз болага бир ҳунар, йиғитга қирқ ҳунар оз, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, мамлакатимизда эртанги кунимиз ворислари — ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган ишлар тахсинга лойиқдир.

Данғара транспорт коллежи Фарғона вилоятида техник мутахассислар тайёрлайдиган етакчи ўқув масканларидан биридир. Коллеж 2004 йили қайта таъмирланиб, давлат таълим стандартларига мос равишда замонавий ўқув жиҳозлари ва усул-налари билан таъминланган, қишлоқ ёшларининг бу масканда билим олиши ва касб тапшлашга бўлган қизиқишларини янада оширди. Бу ерда ўсишларнинг нафақати назарий илм эгаллашлари, балки спортнинг ўндан ортиқ турлари билан мунтазам шўғулланишлари учун ҳам барча шарт-шароит муҳайё қилинган.



ДАНҒАРАДАГИ КЎРКАМ МАСКАН


Биргина ўтган ўқув йилида мазкур масканда "Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш" йўналиши бўйича таълим олаётган Робияхон Акбаралиева жисмоний тарбия тўғрисида мунтазам қатнашиб, спортнинг қарат тури бўйича ўтказилган вилоят чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Республика биринчилигида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир иқтидорли талаба Рашид Азизов таэквандо спорт тури бўйича вилоят мусобақасида голиб бўлди.

— Машгулотларда давоматнинг юқори даражада бўлишини таъминлашнинг бирдан бир йўли — талабаларни коллеж ҳаётига бўлган қизиқишларини орттиришдан иборатдир, — дейди коллеж директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Файзулло Ёдгоров. — Бу борада фан ва спорт

тўғрақлари белгиланган жадвал асосида ўтказилаётгани, дарсдан кейин ҳар хил мусобақалар, адабий-бадий кечалар, танқили кишилар билан учрашувлар ташкил этилаётгани ижобий самара бermoқда. Деярли ҳар куни битта тадбир ўтказяпмиз. Талабаларимиз тасвирий санъат ва иншо йўналишида ўтказилган "Менинг орзу истакларим", "Мен ҳаётни яхши кўраман" мавзусидаги танловларда фаол иштирок этди. Шунингдек, прокуратура ва ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда уюштирилган одам савдоси, миссионерлик, диний экстремизм, терроризм ва гуёҳандликка қарши кураш мавзуларида ўнлаб давра суҳбатлари ташкил этилди.

— Назарий дарслар орқали жамиятимиз учун ёт бўлган унсурлар ҳусусида ўқитувчилардан зарур билимлар оламиз. Бироқ милиция ёки прокуратура хо-

имкониятларимиз билан ишлаб топишган маблағдан шароити оғир ва аълочи талабаларимизга бир миллион, ўтказган тадбирларда голибларни тақдирлаш учун бир ярим миллион, ўқитувчи ва педагог муҳандисларни муқофотлаш учун икки ярим миллион сўм сарфланди, — дейди коллеж директори Алижон Исмоилов. — Бундан ташқари, ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш мақсадида кутубхонамизда бадий адабиётлар ва ўқув қўлланмалари бюджетдан ташқари топаётган маблағларимиз ҳисобига бойитилмоқда. Яна бир гап, қишда ўқув биносини



табiiй газ билан мўътадил иситиб турадиган янги қурилма — печь яратдик. Бу қашфётимиз харажати ўн баробарга қисқартирди. Тизим мутахассислари уни кўздан кечириб, юқори баҳо беришди. Ҳозирда қиймати

беш миллион сўмга баҳоланган ушбу қурилмага вилоятимиз ўқув масканларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Мухтасар айтганда, мазкур ўқув масканда ёшларнинг малакали билим олиш-

лари ва етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун барча имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда.

Мақсуд АҚРАМОВ, "Adolat" мухбири. Суратларда: коллеж фаолиятидан лавҳалар.

Мустақиллик берган имконият

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҲАМКОРЛИК

Инсон доимо ўзига янги йўл излайди. Янги имкониятларни ахтаради. Шу мақсадда аклини, заковатини, бор куч-гайратини ишга солиб, эзгу ниятлари сари интилади. Ва албатта кўзлаган маррасига етади.

Улуғ неъмат — истиқлол шарофати билан биз кўнгилмизга яқин, ўзимиз хоҳлаган дўстларимиз билан борди-келди қилиш имкониятига эга бўлдик. Мақсадларимизни амалга оширишда кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бунинг ижобий натижаси иқтисодийнинг катор соҳаларида ўзини намойён этиб турибди. Шундай ҳамкорла-



римиздан бири туркиялик ишбилармонлардир. Шуниси қувончлики, Туркия Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлат ҳисобланади. Бу мамлакат ишбилармонлари ҳозир дўстларимизнинг турли гўшаларида яратувчанлик ва бунёдкорлик соҳасидаги

ишлари билан бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Улардан бири — "Turkuaz" жамоасидир. Мамлакатимиз пойтахтининг собиқ "ГУМ" биносига жойлашган бу жамоа бир неча йиллардан буён халқимизга савдо хизмати кўрсатиб келмоқда. Савдо расталарини ай-

ланар экансиз, беихтиёр бу ерда йўлга қўйилган тартиб-интизомдан дилингиз тўлқинланади. Албатта, бу жамоа меҳнат аҳлининг ишни пухта ташкил этаётгани, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириб бораётганиги туфайлидир. Турли миллат вакиллари бир-

лаштирган жамоа аҳил-иноқ бўлиб, элимизга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Харидорлар раҳматига мушарраф бўлаяпти.

Дилшара АБДУЛЛАЕВА, талаба.
Суратларда жамоа фаолиятидан лавҳалар акс этган.

Лавҳа

БОЛАЛИКНИ ҚЎМСАШ

Эртага қайтишим керак. Кўп йиллардан буён шаҳарда яшаётганим учун болалигим ўтган қишлоқдан кўнгил узолмай, энгил ғусса оғушида тоғларга, тиниқ осмонга ўқсик қараб, ўйга ботиб борар эдим.

Опоқ деворларидан оҳак хиди келиб турган мактаб биносига кириб, дахлиз тўридаги ўзим ўқиган синф эшигининг очилигини кўриб, ўша томон бордим. Кўзим полни ювётган аёлга тушди. У қўлидаги пол ювётган латтани пакиргга ташлаб, қоматини ростлаб, мен томон қаради ва салом берди. Уни таниб, кўнглим хипкириб кетди: синфдошим Шаҳархол!

Шаҳархол менга ийманиброк қаради. Кўзларида пайдо бўлган ўйчанликни ва пичагина тўлишганини ҳисобга олмас, у ҳалиям гўзал!

— Яхшимисиз, Шаҳархол?! — дедим қувонганимни яширмай.

— Раҳмат! — деди у қисиниб. — Қачон келдингиз?

— Бир-икки кун бўлиб қолди...

— Қишлоқда йўқ эдим. Келганингизни эшитмабман. — деди Шаҳархол — ҳали қишлоқда турасизми?

— Эртага қайтаман, таълилим тугаяпти.

У бироз ўйлаб турган:

— Тўғри қиласиз! — чуқур ҳўрсиниб. — Қишлоқда нима бор? Шаҳарда яшаш қизиқ бўлса керак!

Унинг саволига жавоб бермадим.

— Мен ҳам... ўй одами бўлиб қолдим, — деди Шаҳархол маънос тортиб. — Қуналар ўтапти. Ишлаяман!

Шаҳархол "ишлаяман" деганда, оёғи ёнида турган эски пакиргга имо қилди.

— Жуда зерикаман. Баъзан қишлоқдан бош олиб чиқиб кетгим келади. Қанийди, мактабда ўқиган йилларимиз қайтиб келса?!

Шаҳархол бошини қуйи эгиб, яна ўйга толди.

— Ҳа, Шаҳархол! — хаёлимдан ўтказаман. — Мактаб даврини бекорга қўсмамаяман. Биз ўсмирлар сенинг атрофингда гирдиқаллаш эди. Мен ҳам эл қатори сенинг бир табас-суминг, биргина ўткинчи эътиборингга зор эдим...

Болаликни хотирлаб, анча гурунглашдик...

Шаҳархол бир ёнига тўнтариб қўйилган ўқувчилар партасига суяниб, менинг ҳар бир сўзимни жон қулоғи билан тинглаб, унинг ҳудди мактаб давридагидек қиборада боқиб, мени ўз гапларини тинглашга мажбур қилишини истаганим учун бўлса керак, ундан пичагина ранжиб турган бўлсам-да, негидир унга раҳимим келди.

— Шаҳархол билан хайрлашаётиб:

— Мени кечиринг! Сизни ишдан қолдирдим... — дедим узромуз.

— Йўқ, йўқ, — деди шошилиб Шаҳархол, — қошки эди сизларни тез-тез кўриб турсам. Сизлар билан гаплашиш мен учун бахт-ку!

— Хайр, Шаҳархол! — дея синфдан чиқдим. Орқадан Шаҳархолнинг:

— Синфдош! Мени унутиб юборманг! — деган илтижоли овози эшитилди. Мен кўнглимда пайдо бўлган энгил ҳасрат оғушида у ердан узоқлашиб борардим...

Чорхон ҚОСИМОВ.

ГРИПП ОРТГА ЧЕКИНДИ

Кейинги пайтда бутун жаҳон ахлини ташвишга солаётган "Чўчка гриппи"дан касаланиш тобора камийиб бормоқда.

Бундан жаҳон ҳамжамияти бироз тин олгандек. Қарийб 2 ҳафта муқаддам Мексикадан тарқалган H1N1 вируси "орта чекинмоқда". Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва жаҳон давлатлари томонидан олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида вирусдан заҳарланиш кўрсаткичлари тобора пасаймоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, 21 давлатда қайд этилган "чўчка гриппи" қарийб 1500 одамнинг ҳаётига зомин бўлган.

ЁШИ КАТТА ОДАМЛАР

Япония кекса ёшдаги одамлар сонининг кўпчилиги бўйича дунёдаги ўттиз етти мамлакат орасида 1-ўринни эгаллади. Маълумотларга кўра, мамлакатдаги қариялар сони ўттиз миллионни ташкил этади, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Қўнчиқар мамлакатда айни вақтда ёши 65 дан юқори бўлганлар аҳолининг 20,1 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич Италияда 19,7 ва Германияда 18,8 фоизга тенг. Япония Вазирлар Маҳкамаси тарқатган маълумотларга кўра, 2000 йилда кекса ёшдагилар аҳолининг 17 фоизини ташкил қилган. 2055 йилга бориб бу кўрсаткич 40,5 фоиздан ошиши кутилмоқда.



ТАКСИЧИЛАР ҚЎПОЛМИ?

Инсоният "ўзюроар аравалар"ни кашф этиб, тарихда туб бурилиш ясаганлиги барчага аён. Бир ахшнинг бир ёмони бор, деганларидек, жамоат транспортлари ривожланиб борагани сари одамлар ўртасидаги муносабатларга кўпроқ дахл қилмоқда.

Биобарин, ўтган ҳафтадан эътиборан "Taxi and Limousine Commission" (шаҳар такси ва лимузинлар комиссияси) Нью-Йоркдаги 13 минг нафар таксичиларнинг фаолиятини текширишга киришгани ҳудди шу фикрнинг амалдаги тасдиғидир. Гап шундаки, кейинги пайтда ҳайдовчиларнинг ҳатти-ҳаракатларидан шикоят қилган йўловчиларнинг кўпайиб кетиши назоратчиларнинг оддий одам қиёфасида уларни текширишга чиқишига мажбур қилди. Таксичиларнинг қўполим, йўл ҳаракати қондаларига амал қилмаслиги, устак-устак ҳаракат чоғида қўл телефонидан фойдаланиб, кредит карталарини қабул қилишдан бош тортиши норозиликнинг асосий сабаблари қаторида кўрсатилди. Шунинг баробарида, қўлаб ҳайдовчилар муҳожир бўлганлиги боис инглиз тилини яхши билишмайди. Аммо текширув ҳайдовчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун қурашадиган қасаба уюшмаларида норозиликни келтириб чиқарди.

Таксичиларга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида сўз кетганда, энг аввало, йўловчиларнинг ҳаракат йўналишини кузатиб бориши учун машинада сунвий йўлдошлик ҳарита ва монитор бўлиши зарурлигини таъкидлаб ўтиш керак. Бироқ бу мажбурият ҳайдовчилар ўртасида кескин қаршиликка учраб, 2007 йил сентябрда иш ташлашга олиб келганди.

Бугунги Корея



Газетхон илҳоми

МАЙ

Тароватга тўлиб келди яна май, Борлиқ тоғида яна гуллардан чирой. Настириш бўйларин таратар сабо, Қувноқлик бахш этар ўйпоки ҳаво. Киру адир ёнида алвон лоладан, Болари бол шимди гул-ниёладан. Йилгил бурканган олам мусаффо, Қушлар сайроғида ажиб бир наво. Қалдирғоч зурриёт қолдирмоқ ёстар, Май шошиб, деҳқонни далага ёстар. Барқ уриб баҳорнинг стилган оғи — Барча ойларинг-да етук сўлғони — Сарафроз этгали дили, ҳайнаҳой, Борлиқ тоғида яна гуллардан чирой.

Ҳимоят НАЗАРОВА,
Гулистон тумани,
1-мактаб ўқитувчиси.

У БИР КУН ҚАЙТАДИ

Албатта у бир кун қайтади, Қачондир қайтади ўзимга. Тиз чўкиб, узлар айтади, Тасалли берман тўзимга. Кетдингиз, ишқингиз залвори Бағримни эзди-ей кўп ёмон. Биламан, бир кун ёлвориб, Ёзимга қайтасиз, ёрижон. Ёни қалб! Қуйди қалб! Ўлди қалб! Оҳ, ботиб қолгансиз кўзимга. Қайтасиз! — йилгайман шивирлаб Ўзимга...

Ўзимга... Ўзимга.

Йилларки, қалбимда сақладим, Нимадир тиклиди бўғзимга. Юракни алдандан чарчадим, Сиз қачон қайтасиз ўзимга? Гулҳаё ЭШНАЗАРОВА,
Жиззах тумани.

Бади

“ОҲ, ГУЛҲАЙРИ...”

ёхуд тоғда туғилган қўшиқ

Саратон кунларининг бирида бир ғуруҳ талабалар сўлими Бахмалнинг Окқўрғон қишлоғига кириб борардик. Йўлнинг ўнг тарафидида ўнгирда келинларнинг оқ ҳарир либосларини эслатувчи қийос гуллаган гулхайризорга, олма-лари қип-қизил рангга кираётган боғларга, ху қирларда хайкириб бўғдой ўраётган комбайнларга кўзимиз тушди.

Гулхайризор адоғидаги қир бағрида мухташам, оқланган бир иморат қиди. Деразалардан кўринган оқ халатли кишилардан билдикки, бу — қишлоқ врачлик шифохонаси. Йўлнинг сўл тарафидида янги қурилган типовой мактаб биноси жойлашган. Унинг спорт майдончаси, гулзор ва боғлари кўзни қувонтиради. Ундан сўнг Окқўрғон қишлоғи бошланади.

Шу жойда, сой бўйидаги тегирмоннинг сал қуйроғида Мирзо исми йигитнинг ҳовлиси бўларди. Шу тобда машинамиз радиосидан янграб, диққатимизни ўзига тортган қўшиқнинг яратилишига шу йигит ва унинг оиласи сабаб бўлганлигини шахарлик сайёҳлар қаёқдан билсин? Қўшиқ бир муҳаббат тарихидан ҳикоя қиларди:

Хе-еёй! Бу замини сархалларда Йўқ сенингдек чиройли,
Дилим оху зорин айтсам:
Мен Махжунман, сен-Лайли!
Эй, Гулхайрижон, жон Хайри,
Менинг билан қол, Хайри!

Вужудимизга титроқ кирди, тепалик ортидаги сунгисиз гулхайризор ўсиқ ўтлар билан биргаликда пичан сифатида даста-даста қилиб ўриб қўйилган эди. Гулларнинг ҳали сўлиб улгурмаганига қараганда, атиги бир неча дақиқа илгари жамланган. Уроқчи тушмағур ҳали замон туш-тушдан қайтиб, қолганларини ҳам ўриб ташласа-я! Бу фикрдан юракларимиз зирқиради...

Энди ошик Мирзо саргузаштларини тингланг. Умрини пири хизматиде ўтказган окқўрғонлик мулла Умар бобо кексайган чоғида икки фарзанд — бир ўғил ва бир қиз кўрганди. Ўғлининг исмини Турдимурод, қизининг исмини Хайрихон қўйишди. Тангри ҳар иккисига ҳам беназир қобилият ато этди. Турдимурод Умаров Бахмал гузаллигини қўлаб, дафтар-дафтар шеърлаб битди. Бахмалдаги йирик хўжалиқлар тарихини эзди, ўқитувчи-мураббий бўлиб, эл уни таниди. У шу эътиқод ва обрўси билан шоир сифатида дунёдан ўтди.

Умарбобонинг қизи Хайриниса ҳам шоирлиқда, чечанликда, фахму фаросатда, сабру-қаноатда аксидан сира қолшмаган. Лекин у барча хотин-қизларга кўнглини қўйиб, элимизга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Мирзо сўлдан қайтган, Окқўрғон қишлоғининг Темир-қадам қишлоғи чегарасига яқин баландликда улкан бир бог барпо этди. Бу боғни у Хайрихон хотирасига бағишлади. Айни пайтда улар қий-ғос очилиб турибди.

Агар Бахмалга йўлингиз тушса, Мирзо Назаровлар хонадонига меҳмон бўлиб, яйраб ҳордиқ чиқариб қайтинг. Йилнинг қайси фаслида борманг, хонадон соҳиблари ўша гулзор ичида сизни кутиб олади, ҳовлида "Оҳ, Гулхайри!" қўшиғи доимо янграб туради.

Рауф РАҲИМ,
Бахмал тумани,
Окқўрғон қишлоғи.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ — 16 ЁШДАН

Ўзим коллежда ўқийман. Оилавий қийинчиликлар сабабли яхши ҳақ тўлайдиган ишхонага иш сўраб борсам, ёшигиз етмайдиган, шунинг учун сизни ишга қабул қила олмаймиз деб жавоб беришди. Айтингчи, қонун ҳужжатларида фуқаролар неча ёшдан ишга қабул қилиниши мумкин?


Жамшид БЕКМУРОДОВ, Хоразм вилояти.

Маслаҳатхона

Амалдаги Меҳнат Кодексининг 77-моддасига мувофиқ, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиғи билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, хунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юрталарининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахсининг розилиғи билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига эиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузаядиган ёғил ишларни ўқитишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Фақатгина бунда ўн саккиз ёшга тўлмаганларнинг меҳнатидан соғлиғи, ҳавфсизлиги ёки ахлоқ-офобиға эиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити нуқолай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиши таъқиқланади.

Гафуржон РУСТАМОВ,
адвокат.



МЧЖ «EUROASIA INSURANCE»

суғурта ташкилоти жамоаси

азиз юртдошларимизни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан самимий қутлайди!

Ушбу қувончли кунда Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, оилавий қувонч, баркамоллик ва эзгу ишларингизда омад тилаган ҳолда қуйидаги суғурта турларини таклиф этамиз:

- Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғуртаси;
- Мол-мулк суғуртаси;
- Фуқаролик жавобгарлик суғуртаси;
- Профессинал жавобгарлик суғуртаси;
- Автомобиль суғуртаси;
- Соғлиқ суғуртаси;
- Юк суғуртаси, шунингдек тижорат рискларининг суғуртаси ва х.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорига ва

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»-ги Қонуннинг 7-моддаси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»-ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, юридик шахс (мулкдор, хўжалик юритиш ёки оператив бошқарилув ҳуқуқининг субъекти) томонидан мол-мулкни суғуртлаш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофоти суммаси, шунингдек ўз ҳодимларининг ҳаётини узок муддатли шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофотлари суммаси жами даромаддан чегиралади.

МЧЖ «EUROASIA INSURANCE» суғурта ташкилоти филиаллари республикамизнинг ҳар бир вилоятида хизмат кўрсатмоқда.

МЧЖ «EUROASIA INSURANCE» суғурта ташкилоти хонадонингизга тинчлик келтирсин!

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-26-81, 150-26-82, факс 150-26-80.
E-mail: euroasia.insurance@gmail.com



**Халқ манфаати, Ватан равнақи ва
Мустақиллигимиз барқарорлигини
асосий дастурига айлантирган**



Давлат тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

**НАВОЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

Юртдошларимизни

9 май —

**Хотира ва Қадрлаш куни
билан муबारакбод этади.**

**Халқимиз осойишталиги йўлида
қурбон бўлганлар
хотираси асло сўнмайди.**



Давлат тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

**ШАҲРИСАБЗ ВА ҚАМАШИ
ТУМАНЛАРИ ФИЛИАЛЛАРИ ЖАМОАСИ**

**Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бар-
ча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик ва
ойлавий бахт тилайди.**

*Фарзандларингиз камолини кўриб, ҳамиша
эл эъзозиди бўлинг, азизлар!
Жаннатмакон Ўзбекистонимизни
тинчлик, осойишталик,
файзу барака асло
тарк этмасин!*



**АКЦИЈАДОРЛИК ТИЖОРАТ
ИПОТЕКА БАНКИНИНГ
ШАҲРИСАБЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН БАРЧА
ВАТАНДОШЛАРИМИЗГА ХУШ КАЙФИЯТ,
ХОНАДОНЛАРИГА
ОСОЙИШТАЛИК ТИЛАЙДИ.**

ИПОТЕКА BANK

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ОСМОНИМИЗ ҲАМИША
МУСАФФО БЎЛСИН!**



**«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ВА ҚАРШИ
ШАҲАР ФИЛИАЛЛАРИ ЖАМОАСИ**

*Инсон қадри улуғлиниб,
сўнмас хотираси эъзозланаётган
шу унутилмас кунларда
халқимизга сиҳат-саломатлик,
юртимиз равнақи ва элимиз
фаровонлиги йўлидаги
бунёдкорона меҳнатида улкан
муваффақиятлар тилайди.
Мустақил Ўзбекистонимизнинг
ҳар бир хонадонидан
қут-барака аримасин.*

Тинчлик-хотиржамлик ҳамиша барқарор бўлсин!

**ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-
КОММУНАЛ КАСБ
ХУНАР КОЛЛЕЖИ
ЖАМОАСИ**

Иккинчи жаҳон
урушида мардларча
ҳалок бўлган
ота-боболаримизнинг
азиз хотирасини
ёдга олиб,
жангоҳлардан
эсон-омон
қайтганларни
9 май байрами билан
чин дилдан
табриклайди.



**МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИДАГИ СЕРГЕЛИ
ПОЛИТЕХНИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

**халқимизни Хотира ва
Қадрлаш куни билан
самимий қутлайди.
Унутилмас
жасоратлари билан
урушдан омон
қайтиб,
ҳозирги вақтда
ёшларга
ватанпарварлик
руҳида
тарбия бераётган
фахрийларимизга
соғлиқ-саломатлик
тилайди.**

WIZDASAN JIGARIM



ADOLAT

ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ

www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият —
233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Матн: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Мамазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(бош муҳаррир уринбосари),
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Ҳолтўра ШАҲОЛТОВ
(Бош муҳаррир биринчи уринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят
рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалари белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир —
Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи — Бахтиёр ЕҚУБОВ

Саҳифаловчи-дастурчи — Вобур ТУРДАЛИЙ у.д.и